



## THE VIEW OF OUR NATIONAL SPIRITUALITY IN ANIMATED FANTASY FILMS. EDUCATIONAL IMPORTANCE OF ANIMATED FANTASY

Mamatxonova Shaxrizod Bahodir qizi<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Gulistan State University, teacher of fine arts

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4700929>

### ARTICLE INFO

Received: 13<sup>th</sup> April 2021  
Accepted: 17<sup>th</sup> April 2021  
Online: 19<sup>th</sup> April 2021

### KEY WORDS

Animation, fantasy, nature, emotions, education, man, artist, psychology, work, future.

### ABSTRACT

*The article tells about the Uzbek cartoon "Heavenly Guest", its achievements and shortcomings. In subsequent similar films, we have outlined what we should focus on.*

## АНИМАЦИОН ФАНТАСТИК ФИЛЬМЛАРДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ КЎРИНИШИ.

## АНИМАЦИОН ФАНТАСТИК ФИЛЬМНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМЯТИ

Маматхонова Шахризод Баходир кизи<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Гулистон давлат университети, тасвирий санъат ўқитувчиси

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 13-aprel 2021  
Ma'qullandi: 17-aprel 2021  
Chop etildi: 19-aprel 2021

### KALIT SO'ZLAR

Анимация, фантастика, табиат, ҳиссиёт, тарбия, инсон, рассом, психология, асар, келажак.

### ANNOTATSIYA

Мақолада ўзбек анимацион фильмларидан "Самовий меҳмон" фантастик фильми, унинг ютуқлари ва камчиликлари ҳақида келтирилган. Кейинги шу каби фильмларда нималарга эътибор беришимиз кераклиги ҳақида келтирилган.

Анимацион фантастик фильм келажакни давомий чизмаларда акс эттириб, ёшларни ўзгача йўсинда тарбиялаб, эртанги кун ҳақида маълум бир даражада тасаввур уйғотиб, янги ғоялар устида ишлашда ўзларига ишонч уйғотишни мақсад қилади.

Фикрлари, қарашлари, мақсадлари турлича бўлган инсорларни эзгу мақсад йўлида бирлаштиришни ёшларнинг онгига сингдириш доимий мақсадимиз. Шу сабабли асосий вақтини телевизор кўриш билан ўтказадиган уй бекаларию, кичкинтой болажонларимизни севиб томоша қиладиган чет элнинг турли



ғояларини ўз ичига олган “Яхши бўлиш осонми-3” “Антиқа оила1-” каби фантастик мультфильмларидаги ота-оналар билан бемалол баҳслашиш, ўзини дунёга келтириб тарбиялаганларга норозилик билдириш, ўз мақсади йўлида туғишган укасидан алдов йўлида фойдаланиш, ёшлар ўз ҳисларини катталар олдида ошқора кўрсатишдан уялмаслиги, оилада эркаклар уйда ўтириб аёллар ишлаши ва янаям дахшатлиси эр-хотин ажралишига табиий ҳолдек қараши каби ғоялардан узоқ бўлган халқимизга, ўзлигимизни англатадиган қатор мультфильмларимизни экранга намоиш қилиб келинмоқда. Хусусан “Самовий меҳмон” ( Сценарий муаллифи: У. Қочқоров режиссор: М. Махмудов, рассомлар: Д. Жалилов, С. Жумаев, Ш. Рахматуллаев, С. Каримов, бош аниматор: Ж. Бўтаев) мультфильми миллатларимизга ҳос минталитетни ўзига ҳос йўсинда ёритиб берган. Ушбу анимацион фильм ўзбек шоири А. Ориповнинг “Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир” шеъри мотивлари асосида илк маротаба янги (3D) технологиясида яратилган. Фильм халқимизга ҳос инсонийлик, ўзга олам мавжудоти бўлсада меҳр бера олишдек фазилатларни мадҳ этади. Бу биз учун ўзлигимизга сингиб кетган, миллий удумларимиз, урф-одатлар, одамийлик, халқимизга ҳос инсонпарварлик, бағрикенглик мадҳи тасвирий образларда талқин этилади.<sup>1</sup>

Мультфильм давомида самодан тушган номаълум жисмни ниҳоятда ривожланган техник апаратларга бой илмий тадқиқот маркази олимлари томонидан ўрганишга ҳаракат қилишади, ҳаттоки улар объектни жарроҳлик йўли билан текширмоқчи бўлишади. Аммо

соддагина фаррош аёлнинг оналарга ҳос ўзбекона меҳри бизга мутлақо бегона бўлган ўзга саййораликнинг ҳам юрагини тўлқинлантириб юборади ва у ҳам жавобан дўстлик қўлини чўзади.

Асар қахрамонлари образлари ўзбек актёрлари қиёфаларида гавдалантиришга ҳаракат қилинган. Жумладан олимлар ролида Маҳмуд Исмоилов, Абдураим Абдувахобов, фаррош аёл ролида Тўти Юсупова, ёш олимлар ролида Собиржон Раҳимжонов, Қахрамон Ҳайдаров, Санжар Сатторов, бобо образида Йоқут Йўлдошев, қизиқувчанг болалар Анвар Худойберганов, Жамолiddин Нуриддинов ташқи кўринишларидан фойдаланилган. Шунингдек ушбу образларга юқорида саналган актёрларни ўзи овоз берган. Аммо образларни таъсири имкон қадар.

Фаррош ҳола- содда, меҳрибон аёл. Лекин, бош қахрамон бўлишига қарамасдан образни ёритишга етарли эътибор берилмаганг. Мультфильмда фаррош ҳола қария кўринишида гавдалантирилган. Лекин елкалари кенг худди эркак кишиникидек. Қария бўлса ҳам битта ажин йўқ, қошлари ҳам тиниқ қора. Ҳаракатланётган вақтда кўйлаги букилмаган ҳам, ҳатто кўйлак жуда тор ва кампирнинг гавдаси ҳам шунақа бесўнақай қопол. Юз ифодалари ва қўл ҳаракатлари устида бироз ишланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мультфильмда ёркин ва тоза ранглардан унумли фойдаланилган. Табиатни табиий ҳолатича кўрсатилган. Тоғ йон-бағирлари, далалар орқали юртимизни қанчалар гўзаллиги кўрсатилган бўлса, оддий фаррош аёл орқали халқимизни қанчалик самимий ва меҳмондўстлигини ифода этган. Ҳар

<sup>1</sup> Ўзбекистон анимацион фильмлари 86-б. Тошкент “TURON IQBOL” 2019.



қандай тирик жон меҳрга муҳтожлигини болаларга етказиб берган.

Мультфильм 3 ўлчамли тасвирида олинган илк фильм. Бироқ камчиликларсиз дея олмаймиз. Образлар ҳиссий жиҳатдан бойитилмаган. Инсонларни туйғулари асосан унинг кўзлари орқали ошкор қилинади, ғам, кулгу, қайғу кабилар. Аммо мультфильмда айнан шу жиҳатлар умуман эътиборсиз қолдирилган. Кўзлар шунчаки юмилиб-очилган холос. Бошқа ҳечқандай маъно англамаган. Кўз қорачиқлари жойидан жилмаган. Атрофга қараш учун кўзлардан эмас аксинча бошдан фойдаланган. Болалар ўзга саййораликларни кемасини илк бор кўриши бўлсада, аммо юзида ҳечқандай ҳайрат ифодаси сезилмаган. Ҳудди уларда бу табиий ҳолдек. Осмондан кемани кўриб, унинг ёнига узоқ масофадан, далалардан, катта-кичик чуқурлардан ошиб, қуйош тик турган вақтда югуриб келишган, лекин, чарчаб, ҳансираб қолганини уларга берилган овоз орқалигина тушунса бўлади. Юзларидан бир томчи тер оқмаган.

Бу вақтда Илмий тадқиқот марказида номаълум жисм ерга тушганлиги ҳақида маълумот берилиб, унинг хавфли бўлиши мумкинлиги ҳақида қайта-қайта айтилётган бир вақтда бизнинг соддагина фаррош ҳоламиз, “эсон-омон кўниб олсинда” деб дуо қилиш билан банд. Бу билан бизни гапга тушунмайдиган оми деб кўрсатмоқчими, ёки ўта даражада содда. Ёки бу ерда ишлайдиган одамлар шунчалар ёвузки, уларга эмас мутлоқо нотаниш бўлган бегоналарни омади келишини хоҳлаябди. Агар учала фикр ҳам бўлмаса фаррош ҳоламизнинг қулоғлари оғирроқ, яхши эшитмагани туфайли нотўғри тушунган бўлаябди. Агар бош ролдаги фаррош холани гапларига ва атрофдаги содир бўлаётган воқеага қарайдиган бўлсак, демек давлатимизда меҳмонларни

қурол-аслаҳалар орқали ўз меҳмондўстлигимизни кўрсатамиз. Бундан ташқари тезкор гуруҳ билан олимлар битта жойда ишлашадими-? Нега улар битта жойдан чиқиб келшябди, бу билан бизда ишлашга ҳамма техника бор-у аммо еримиз тор демоқчими-? Ёки ҳар бир қисм ердан унумли фойдаланамиз деган фикр илгари сурилябдими-? Болалар ўта кузатувчанг бўлишади, биз учун оддий кўринган майда деталлар ҳам уларда ўзига ҳос фикр уйғотиши мумкин. Воқеа бошланишади қилинган шунча эътиборсизлик кичкинтойларимизнинг келажак ҳақидаги тасавурига салбий таъсир ўтказмайди деб ким айта олади.

Ўзга саййораликларни кемаси ерга тушгани ярим тунда содир бўлишига қарамасдан, тезкор гуруҳга кун ярмида хабар берилди. Мантиқий олганда технология ривожланган вақтда ахборот етказиш тезлиги тўғри келмаябди. Тезкор гуруҳ учун дақиқалар ҳам ҳисобли бўлган вақтда куннинг ярмига қадар улар ҳечнарсдан беҳабар бўлишган.

Тезкор гуруҳ етиб келиб, номаълум жисмни биринчи бўлиб кўрган болаларни воқеа жойида учратиб, улардан ўзлари билган маълумотни сўраб, сўнг бошқа ҳечкимга айтмаслиги ҳақида огоҳлантирилади, лекин самовий кемани безарар эканлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг уни ошқора, ҳеч жойини беркитмасдан, маҳкамламасдан олиб кетишди. Болаларга ҳечкимга айтмайлар деган гап шунчаки гап йўғида гап бўлябдими-?

Ўзга саййораликни кемасини келтириб, уни маҳсус роботлар орқали очиб, ичидан ўзга саййораликни беҳуш ҳолда олиб, тадқиқот хонасига ҳечқандай эҳтиёт чораларисиз олиб киришди ва замонавий ускуналар ёрдамида уни мураккаб текширувдан ўтказишди.



Эътибор тортадиган томони олим, докторларимизнинг ўзлари оддий кунлик иш кийимида текширувдан ўтказмоқда. Уларга махсус либос берилмаганми ёки ўзларига ҳаддан ташқари ишонадими. Чунки бу номаълум жисмлигини билиб туришибди, балки унда фанга маълум бўлмаган қандайдир вирус ташувчидир, ёки ташланиб тишлаб олар. Юмшоқ қилиб айтганда ниҳоятда ақлли олимларимиз ишга шўнғиб кетгандан махсус либосни кийишни унутган, илк бор кўриб турган ўзга саййораликка ишонадиган даражада содда олимларимиз уни ҳатто кўлини ҳам бойламаган деймизми-? Шу билан меҳмондўстликни кўрсатмоқчимизми-? Агар шундай бўладиган бўлса биз аввалига меҳмонларни ўқ отар куруллар билан кутиб олиб, мутлоқ нотаниш бўлса ҳам ишонаверадиган даражада содда бўлябмизми-?

Олимлар бир тўхтама келгунга қадар фаррош ҳола хонани тозалайдиган вақт бўлди. Олимлар бу вақтдан фойдаланиб бироз тоза ҳавода дам олгани чиқиб кетишди. Ўзга саййоралик меҳмонимизни эса шундайича кампирга, кампирни эса Худога омонат қилиб. Ҳушига келаётганини билса ҳам ҳечқандай йомон ҳаёлга боришмади. Фаррош ҳола ҳам ўзини уйда юргандек ҳечқандай руҳсатсиз ичкарига кириб, олимлардан фақатгина хона тозалашга руҳсат сўради. Бу ҳам камдек ўзга саййоралик меҳмонни келишини эшитиб кийимини ҳам алмаштириб чиққан, бу билан нимани исботламоқчи, бизда тартиб йўқлигиними?

Яна бу содда ҳоламеъ техникани ҳам тушунади, ҳечкимни руҳсатсиз уларни бошқаради, ҳали аниқланмаган мавжудотга бемалол сув ичириб, бошидан силайди, унга ҳали сув мумкинми йўқми ҳолани иши йўқ, режиссор, расом, сценаристларни ҳаёли унга бераётган меҳрида, қолгани

аҳамиятсиздек гўё, ёки меҳрни ифодалашни бошқа йўлини тополмаган...

Бунданам қизиғи шундаки олимларимиз кўлларини теккизганда уларни кўлини тўқ уради, ҳола эса силаб сув ичириб кўйса ҳам ҳечнарсга қилмайди, демак ҳолада тўқ ўтмайдиган қобилият бор, у тўқ ҳолага тегмасдан сув орқали ўзига урилиб ўзга саййоралик ойоққа турган бўлябди. Ҳола билан мураса қилишдан бошқа йўли қолмасдан ўзга саййоралик меҳмонимиз унга бўйсиниб, бошлаган томонига юриб, тилини ҳам тушунворибдида... Бундан яна қандай хулоса чиқариш мумкин.

Фаррош кампир билан ҳолани кўрган олимларимиз бунга билдирган муносабати бунданам ажойиб чиққан, Олимлардан бири тўғри фикр билдираётган вақтда бошқаси фаррош кампирда сеҳр борлигига ишонабди. Бундай фикрлайдиган олим бўлмаса керак.

Воқеа сўнгида аввал бошида давлатга қарашли шундай ҳурматли касб эгалари ер танқислигидан қийналиб, мутлоқ бир-биридан фарқ қиладиган ишда ишлайдиган кишилар битта жойда ишлаётган вақтда, чиройли кенг уйда йолғиз бобо ва икта набира овқатланишябди. Қиссадан-хиссани ҳам агар бобо гапириб бермаганда қизиқ болажонлар қандай хулоса чиқарган бўларди, умуман фильм мазмунини тушуна олармиди.

Мультфильм асоси тўғри танланган. Лекин унга кетган меҳнат, вақт, пул ўзини оқламаган. Замонавий жиҳозлар, кенг далалар бир сўз билан айтганда орқа пландагина ҳато йўқ холос. Беътиборлик билан қилинган ушбу анимацион фильмни ўз болаларимиз учун лойиқ эмас. Уларга миллийликни кўрсатишдан олдин аввал уни нималигини тушуниш керак. Ахир ўз болаларимизни тарбиялабмиз. Келажакни



шундай нуқсонларга бой кўринишда  
кўрсатмаган мақул. Фантастик фильми  
яратаётганда унинг фақат бир

жиҳатигагина эътибор берибгина қолмай,  
мазмунан ҳам бойитишни билиш керак.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ўзбекистон анимацион фильмлари 86-б. Тошкент “TURON IQBOL” 2019
2. И.Жуманов. “Санъат – менинг ҳаётим” яна ҳаётимизда. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти хабарлари. илмий-назарий, амалий-услубий, маънавий-маърифий журнали. Т. 2020 йил 2-сон.
3. З.Бозорова. Илм-фан ривожини ва мамлакат тараққиётида Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий фаоллиги. «Актуальные проблемы науки, просвещения и цифровых технологий в профессиональном становлении личности XXI века». Т. 2020 г. 3-том.